

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ЎСИШИ ВА ТУҒИЛИШ ДИНАМИКАСИ: ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ЁНДАШУВ

Дуснаев Шерзод Эргашевич

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, и.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятидаги туғилиш даражаси ва демографик босимнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти таҳлил қилинган. 2020–2024 йиллар давомида вилоятда туғилиш кўрсаткичлари юқори даражада сақланиб қолгани, айниқса учинчи ва ундан кейинги фарзандлар сонининг ортиши, эрта турмуш ва эрта тузруқ ҳолатлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Мақолада ёш ва катта ёшдаги оналардан туғилган чақалоқлар улушининг ўзгариши, туғилиш коэффициенти динамикаси ва туманлар кесимидаги фарқлар таҳлил қилинган. Шунингдек, демографик босимнинг мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш ва уй-жой билан таъминлаш тизимларига таъсири ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга бўлган оқибатлари кўриб чиқилган. Мақола натижалари оилавий режалаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим ва меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишида аниқ таклифлар тақдим этиш имконини бермоқда.

Калит сўзлар: туғилиш даражаси, демографик босим, Қашқадарё вилояти, ёш таркиби, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

Кириш

Бугунги кунда демографик жараёнлар жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари, ёш таркиби каби демографик ҳолатлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларидан бири бўлган Қашқадарё вилояти ҳам ўзига хос демографик хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, вилоятда туғилиш кўрсаткичларининг нисбатан юқорилиги сўнгги йилларда мутахассислар ва тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда.

Қашқадарё вилоятида юқори туғилиш кўрсаткичлари тарихий-анъанавий кадрятлар, аҳолининг оилавий қарашлари, қишлоқ жойларда



яшовчилар улушининг катта бўлиши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ҳолат бир томондан аҳолининг табиий ўсишини таъминласа, иккинчи томондан таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ижтимоий таъминот тизимлари олдига муайян вазифаларни кўймоқда.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, вилоятда аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши ҳудудий ривожланиш режаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Айниқса, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда уй-жой билан таъминлаш масалаларида демографик босим сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ёшлар улушининг юқорилиги келажакда меҳнат бозорида иш ўринларига бўлган талабни ошириши билан бирга, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш масалаларини долзарб этади.

Шунингдек, юқори туғилиш кўрсаткичлари оилалар фаровонлиги, аёлларнинг бандлиги ва таълим даражаси билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу ҳолат ижтимоий сиёсатнинг комплекс ёндашувини талаб қилади. Демографик жараёнларни чуқур таҳлил қилиш орқали ҳудуднинг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келади.

Методлар. Ушбу тадқиқот Қашқадарё вилоятидаги юқори туғилиш кўрсаткичларини ва уларнинг ижтимоий оқибатларини ўрганишга қаратилган. Тадқиқот жараёнида статистик, демографик ва солиштирма таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги туғилиш кўрсаткичлари, ёш таркиби, оилаларнинг фарзандлиги ва ижтимоий ҳолати ўрганилди.

Натижалар. Қашқадарё вилоятида 2024 йилда 100,9 минг нафар чақалоқ дунёга келган бўлиб, республикада жами туғилганлар сонининг 11 фоизи вилоят улушига тўғри келади. Вилоятда туғилишнинг мутлақ сони 1991 йилда 71,0 минг нафардан 2006 йилда 53,3 минг нафаргача тушган, 2007 йилдан ўсиш жараёни бошланиб узлуксиз 2023 йилгача давом этди. Вилоятда 2023 йилда энг юқори туғилиш кўрсаткичи (101,9 минг нафар) қайд этилди ва 2024 йилда эса сезиларсиз бироз (-0,9 %) пасайиш кузатилди (1-расм).

2024 йилда туғилиш коэффициенти 28,0 промиллени ташкил қилди. Халқаро мезонлар бўйича туғилиш кўрсаткичи “ўртачадан юқори” даражага тўғри келиб, келгусида ижтимоий соҳаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан далолат бермоқда.

Туғилиш даражаси юқорилиги бўйича республика кўрсаткичидан (24,9 %) 3,1 %га кўп ва биргина Сурхондарё вилоятидан (28,9 %) кейин мамлакатда 2 чи ўринни эгаллаб турибди.

Республиканинг бошқа ҳудудлари билан солиштирганда вилоятда туғилиш даражаси мустақиллик йилларида ҳам шу ҳолатда бўлган, аммо 1999-2003 йилларда эса ўсиш (1 ўрин), 2004 йилда бироз пасайиш (3 ўрин), 2006 йилда ижобий пасайиш (7 ўрин), 2009 йилга келиб эса сал кўтарилиш (4 ўрин) ва сўнги 2010-2024 йиллар даврида (2-ўрин) юқори туғилиш даражаси сақланиб қолмоқда. Вилоятда туғилиш даражаси республика ҳудудлари орасида сурункали равишда юқорилигича қолиб, мамлакатнинг туғилиш даражаси ошиб боришига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Туғилганлар сонининг динамикаси ҳам юқоридаги таҳлилларни асослаган ҳолда шуни кўрсатадики, 1991-2006 йилларда туғилганларнинг мутлақ сони қисқарган, бундан кейинги йилларда эса мунтазам ортиб борган. Таҳлилларга кўра, 2006-2023 йиллар мобайнида ҳар 1000 кишига тўғри келадиган туғилганлар сони 22,1 %дан 28,9 %гача ошиб, 2024 йилга келганда 28,0 %ни ташкил қилган (1-расм).

1-расм.

Қашқадарё вилоятида туғилганлар мутлақ сони ва туғилиш коэффициенти динамикаси



Республикадаги жами 208 та туман ва шаҳарлар бўйича туғилиш кўрсаткичи таҳлил қилинганда 2024 йилда туғилиши юқори бўлган топ 20 талик туманлар ичида 6 таси Қашқадарё вилоятининг туманларига (Кўкдала тумани 33,1 %, Чироқчи тумани 30,7 %, Қамаши тумани 30,2 %, Ғузор

тумани 29,3 %, Косон тумани 29,1 % ва Нишон тумани 29,0 %) тўғри келади (1-илова).

Туғилишнинг умумий коэффицентини баҳолаш мезони асосида вилоятнинг туман ва шаҳарлари гуруҳларга ажратилди (1-жадвал). 1-жадвалдан яққол кўринадикки 2020 йилда туғилишнинг “юқори” даражаси 1 та туманда (Чирокчи тумани) кузатилган бўлса, 2024 йилга келиб 3 та туманда (Қамаши, Кўкдала ва Чирокчи туманлари) кузатилди. Мазкур ҳолат вилоятда туғилиш даражаси юқори бўлган туманлар сони кўпаяётганидан далолат беради.

1-жадвал.

**Қашқадарё вилоятининг туман ва шаҳарларининг туғилиш
коэффицентини бўйича гуруҳларга ажратилиши**

Туғилиш даражаси, %	Йиллар	
	2020	2024
паст (16,0 гача)	-	-
Ўртача (16,0 – 24,9)	Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари	Шаҳрисабз тумани, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари
Ўртачадан юқори (25,0 – 29,9)	Ғузор, Дехқонобод, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Миришкор, Мубопак, Нишон, Касби, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари	Ғузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Китоб, Миришкор, Мубопак, Нишон, Касби, ва Яккабоғ туманлари
Юқори (30,0 – 39,9)	Чирокчи тумани	Қамаши, Кўкдала ва Чирокчи туманлари


2020-2024 йилларда 15-19 ёшдаги оналардан туғилган чақалоқларнинг улуши (жами туғилганларга нисбатан %) да мос равишда 4,3 %дан 5,8 %га, 35-39 ёшдаги оналардан эса 6,6 %дан 8,4 %га ошган. Шунингдек, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги оналардан туғилган чақалоқлар улуши мос равишда 0,8% дан 1,7% га кўпайган (2-илова).

Вилоятда 2024 йилда 253 та эрта туғруқ ҳолати кузатилган бўлиб, республика кўрсаткичининг 15,2 %ини ташкил қилади. Эрта туғруқлар сони Қарши шаҳрида (жами эрта туғруқ ҳолатларининг 20,6 %и), Косон (12,6 %и), Қарши (11,5 %и), Ғузор (10,3и), Чироқчи (7,9 %и) ва Кўкдала (4,7 %и) туманларида юқори ҳисобланади.

Туғилиш ҳолатларининг асосий қисми тўғри келадиган 20-34 ёш оралиғидаги оналардан туғилган чақалоқларнинг жами туғилганлар сонидagi улуши йилдан-йилга пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилда 88,2 %дан 2024 йилда 84,1 %гача тушган (2-расм).

2-расм.

**20-34 ёшдаги оналардан туғилганларнинг улуши
(жами туғилганларга нисбатан %да)**



Туғилган чақалоқларни оилада фарзандлиги кетма-кетлиги бўйича ўрганилганда, уларнинг сони 2021 йилда 31,3 минг нафар тўнғич фарзанд туғилган бўлса, 2022 йилда 29,3 минг нафарга ва 2024 йилга келиб 28,7 минг (-8,3 %гача) нафаргача тушган.

Иккинчи фарзандлар бўйича ўсиш мос равишда – 3,2%гача камайган.


Туғилишдаги асосий ўсиш учинчи ва ундан кейинги фарзандлар улушига тўғри келади. 2021 йилда 36,8 минг нафар учинчи ва ундан кейинги фарзанд дунёга келган бўлса, уларнинг сони 2022 йилда 40,4 минг нафарга ва 2024 йилда 44,1 минг нафаргача (20,0 %гача) ошган. Вилоятда туғилиш даражаси юқорилигини учинчи ва ундан кейинги фарзандлар таъминламоқда

Туғилишнинг йиғинди коэффицентининг қиймати Қашқадарё вилоятида 2020 йилда – 3,10 ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 3,63 га

кўтарилган (4-расм). Ушбу кўрсаткич қишлоқ жойларда 3,78 ни, шаҳар жойларда эса 3,42 ни ташкил қилмоқда.

4-расм.

**Қашқадарё вилоятида фертил ёшдаги бир аёлга
тўғри келган болалар сони**



Вилоятда рўйхатга олинмаган оилаларда туғилган болалар сони 2021 йилда 7,2 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 6,4 минг нафаргача пасайиб, республика кўрсаткичининг 9,9 %ини ташкил қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки туғилиш даражасининг ошиб боришининг асосий сабабларидан бири оилаларда қизларни эрта турмушга бериш, эрта туғруқ ҳолатлари ва шаръий никоҳларнинг кўпайиб боришидандир.

Хулоса қилиш мумкинки, эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатларида ёш оналарда кейинги туғруқларни осон енгиб ўтиш хирси шаклланади, натижада бу тоифадаги оналардан кўп фарзанд туғилиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунингдек, 40 ёшдан ошган оналарда ҳеч бўлмаса 1 та зурриёт қолдириш ёки шаръий никоҳидаги эрининг орзусини ушалтириш учун ўғил ёки қиз фарзандни дунёга келтиришга ҳаракат қиладилар.

Вилоят аҳолисининг ёш таркибини иқтисодий жиҳатдан ўрганишда ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига неча нафар болалар ва кексалар тўғри келиши ҳақида тасаввур берадиган демографик босим кўрсаткичи амалий аҳамиятга эга.

Халқаро мезонлар бўйича, ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсизлар сони 68 нафардан ошса инқироз олди, 77 нафардан ошса инқироз зонасига ўтиши белгиланган.



Қашқадарё вилоятида ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига 2020 йил бошида – 71 нафар, 2023 йилда – 78 нафар, 2025 йилда эса – 81 нафар меҳнатга лаёқатсиз аҳоли тўғри келган. Вилоят халқаро мезонлар бўйича 2020 йилдан бошлаб инқироз олди иккинчи ҳолат зонасига ва 2025 йил бошидан инқироз иккинчи ҳолати зонасига ўтган¹.

Муҳокама. Қашқадарё вилоятида 2024 йилда туғилиш даражаси юқори бўлиб, республикада иккинчи ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич асосан учинчи ва ундан кейинги фарзандлар сонининг кўпайиши, эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, ёш оналардан туғилган чақалоқлар улушининг ортиши ва 40 ёшдан катта оналардан туғилган чақалоқлар сонининг ўсиши туғилиш даражасининг юқори бўлишига салбий ва ижтимоий жиҳатдан жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Вилоятнинг демографик вазияти ва ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсизлар сонининг юқори бўлиши, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда босимни кучайтириши эҳтимолини кўрсатади. Бу ҳолат оилавий ва репродуктив соғлиқни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг иш имкониятларини кенгайтириш ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан, туғилиш даражаси ва демографик босимни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар режалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Қашқадарё вилоятида туғилиш кўрсаткичлари республика бўйича юқори даражада сақланиб қолмоқда. 2024 йилда вилоятда 100,9 минг чақалоқ дунёга келган бўлиб, бу республика бўйича жами туғилганларнинг 11 %ини ташкил этади. Туғилиш даражасининг ўсиши асосан учинчи ва ундан кейинги фарзандлар улушининг кўпайиши, ёш оналар сонининг ортиши, шунингдек, ўрта ва катта ёшдаги оналардан туғилган чақалоқлар сонининг ошиши билан боғлиқ.

Демографик босим, айниқса мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва уй-жой билан таъминлаш тизимларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, юқори туғилиш кўрсаткичлари оилавий фаровонлик, аёлларнинг бандлиги ва

¹ Халқаро мезонлар бўйича 68 – инқироз олди биринчи ҳолат, 71 – инқироз олди иккинчи ҳолат, 74 - инқироз олди учинчи ҳолат, 77-инқироз биринчи ҳолат, 81-инқироз иккинчи ҳолат, 84 - инқироз учинчи ҳолат деб баҳоланади.

таълим даражаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича таклиф бериш мумкин:

1. Оилавий режалаштириш ва соғлиқни сақлаш бўйича чора-тадбирлар: Эрта турмуш ва эрта туғруқларни камайтириш, ёш оналарга соғлом ҳомиладорлик бўйича маълумот ва маслаҳатларни етказиш.

2. Таълим ва ижтимоий онгни ошириш: Аҳоли орасида оила ва фарзанд тарбияси, таълим ва меҳнат бозорида иштирок этишнинг аҳамияти бўйича тарғибот ишларини кучайтириш.

3. Меҳнат бозорини ривожлантириш ва бандликни ошириш: Ёшлар ва оилаларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларнинг касб-хунарга йўналтирилиши ва иш ўринлари билан таъминланиши.

4. Демографик мониторинг ва тадқиқотларни давом эттириш: Ҳудуддаги туғилиш кўрсаткичлари ва демографик босимни мунтазам таҳлил қилиш орқали стратегик ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилиш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитаси. *Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати (2025 йил 1-октябрь ҳолати)* — расмий статистика ҳисоботлари. (anhor.uz)

2. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. *Вилоят бўйича доимий аҳоли сони ва демографик кўрсаткичлар* — расмий статистик маълумотлар. (qashstat.uz)

3. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. *Демографик ҳолат бўйича статистик ахборотнома* (2025 йил ҳолати). (qashstat.uz)

4. Қашқадарё вилояти аҳолисининг мустақиллик йилларидаги демографик ҳолати ва этник таркиби — илмий мақола (E Conference Zone, 2022). (econferencezone.org)

5. Ўзбекистон аҳолисининг демографик ўсиши — илмий мақола (JournalSS.org) таҳлилий кўринишида. (journalss.org)

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. *Ўзбекистон демографик кўрсаткичлари, 2020–2022 йиллар* — расмий статистик ҳисобот (PDF). (stat.uz)